ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. O'.K.U.F. F.T.U.U. ОЛИЙ БАХТ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

# Ishonch

2007 йил 8 май
сешанба № 58 (2315)



## Бугунги ёшлар

# Мусиқамиз маликаси

**_Оқ-қора клавишлар узра нозик бармоқларнинг кўз илғамас ҳаракатидан атрофга сеҳрли оҳанг таралади. У кишини хаёлотнинг чексиз осмонида сайр эттиради. Бу қудратнинг яратувчиси инсон эканлигидан беихтиёр ҳайратланасан киши. Эндигина 25 ёшга қадам қўйган Гулруҳ Шокирова ўз истеъдоди билан бир неча бор хорижлик мутахассисларни қойил қолдирган. У халқаро танлов ва фестиваллар иштирокчиси, Гулруҳдаги ноёб қобилият, меҳнатдан қочмаслик фазилатларини устозлар ҳам эътироф этишади. У фортепиано олдида соатлаб ўтиради, мукаммал даражада ижро чиқмагунича жойидан қўзғалмайди. Бундан чексиз завқ туяди._**

Оилада Гулруҳдан бошқа санъат соҳасида фаолият кўрсатувчилар йўқ. Отаси Толибек ака муҳандис-алоқачи, онаси Раъно опа кардиолог врач. Акалари ҳам бошқа касб эгалари. Лекин барчалари турли чолғу асбобларини чала олади. Айниқса, Толибек аканинг миллий созларга меҳри баланд. Фарзандларини ёшликдан мусиқага ошно этиб тарбиялаш мақсадида уларга дутор ва танбурда кўп куйлар чалиб берган. Бу кўпроқ Гулруҳда созандаликка кучли ҳавас уйғотди. Қизидаги санъатга лаёқатни ўз вақтида пайқаган ота 9 ёшида уни Ўзбекистон халқ артисти, таниқли бастакор Икром Акбаров ҳузурига олиб боради. Устоз санъаткор Гулруҳга мусиқа сирларини чуқур ўргатади. Ёш қиздаги интилувчанлик унинг меҳнатларини юзага чиқарди. Г.Шокирова республика миқёсидаги кўпгина танловларда муваффақиятли иштирок эта бошлади. 1994 йилда Москвада бўлиб ўтган «Ёш мусиқачилар учрашув куни» фестивали лауреатлигига муносиб топилиши Гулруҳга гўё қанот бахш этди. 1999 йилда эса XV Республика пианиночилар танловида биринчи ўрин ва лауреатликни қўлга киритиб, Ўзбекистон Давлат консерваториясига ўқишга қабул қилинди. Бир йилдан сўнг ҳаётида яна бир бахтли воқеа содир бўлди. У АҚШнинг Луизиана штатида ўтказилган «Nena Wideman» 50-Халқаро пианиночилар танловида бронза медали соҳибасига айланди. Гулруҳ яна икки марта ана шундай нуфузли танловларда муваффақият қозонди. Бири 2004 йилги Парижда бўлиб ўтган VII Рубинштейн Халқаро пианиночилар танловида II ўринни қўлга киритиши бўлса, кейингиси ўтган йили Алмати шаҳрида III Халқаро пианиночилар танловида 3-ўринга сазовор кўрилганлигидир. Гулруҳнинг репертуари ғоят ранг-баранг. И. Бах, Л. Бетховен, Ф. Лист, С. Прокофьев, М. Равель, Ф. Шопен ва ўзбек бастакорларининг асарларини катта иштиёқ билан ижро этади.

— Мусиқа ҳаётим мазмунига айланган, — дейди у. — Мени санъат оламига олиб кирган отам ва биринчи устозим Икром Акбаровдан умрбод миннатдорман. Ҳатто бугунги кунда ҳам отамнинг қўллаб-қувватлаб, доимо олдинга интилишга руҳлантираётганлигини ҳис этаман. Худо хоҳласа, бундан-да катта ютуқларни қўлга киритиб, келажагимга умид кўзи билан боқиб турган яқинларим ва дўстларимнинг ишончини оқлашга, она-Ватаним олдидаги фарзандлик бурчимни адо этишга ҳаракат қиламан.

Ўзбек қизидаги бундай қатъият ва кучли ирода юракда фахр уйғотади. 2004 йилдан бошлаб АҚШдаги Park University Халқаро мусиқа марказида 2 йиллик таълим олиш ҳуқуқини берувчи грант асосида ўқиб юрган чоғлари, айтиш мумкинки, унга янги дунёни очди. Бу даврда Гулруҳ Шокирова Дмитрий Башкиров ва Fou Ts`ong мастер классларида фаол иштирок этди. Канзас Ситида бўлиб ўтган фестивалларда яккахон концертларини намойиш этди. Шунингдек, бу ердаги мактабларда концертлар бериб, чет эллик ёшларни ўзбек маданияти ва тарихи билан таништирди. Жами 20 та концерт дастури уюштирди. Штатнинг Халқаро алоқалар Кенгаши ва Park University томонидан халқларнинг ўзаро муносабатига қўшган ҳиссаси учун миннатдорчилик сертификати билан тақдирланди.

Г. Шокирова бастакорлик фаолияти йўналишларида ҳам қизғин ижод қилади. Бугунги кунгача ўзининг қиркдан ортиқ мусиқий асарини яратди. Улар таниқли бастакорларнинг эътирофига сазовор бўлган.

Гулруҳнинг мусиқа билан шуғулланишдан ортиб китоб мутолааси, тасвирий санъат, кино томоша қилиш ва спортга бўлган қизиқиши барча учун ибратли. Ф. Достоевскийнинг «Ака-ука Карамазовлар», М. Булгаковнинг «Уста ва Маргарита» романлари севимли асарлари ҳисобланади. Бундан ташқари, Жон Стейнбек, Есенин, Блок шеърлари унга бир олам завқ бағишлайди. Park Universityда таҳсил олаётганида эса Шекспирнинг барча асарларини кўҳна инглиз тилида аслиятдан тўлиқ ўқиб чиқди. Ваҳоланки, бунга инглизларнинг ўзи ҳам бир мунча қийналади. Буюк рассомлар Мане ва Салвадор Дали яратган суратлар унда ҳайрат уйғотади. Спортни эса бундан-да кучли севади. «Агар менга иккинчи ҳаёт берилганда эди, шубҳасиз, фигурали учиш билан астойдил шуғулланардим», дейди Гулруҳ.

Бу йил ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан ташкил этилган «Ниҳол» мукофотига Гулруҳ Шокирова номзоди тавсия қилинди. У Ўзбекистон Давлат консерваторияси магистратурасини битириш арафасида. Айни дамда имтиҳонлар топшириш ва қизғин ижодий тайёргарликлар билан банд. «Машаққатли меҳнат ва изланишлар энди билинмоқда», дейди кулиб Гулруҳ.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## 9 май — Хотира ва қадрлаш куни



**Хотира — тарихий дунёқарашни тарбиялайди, такомиллаштиради, ватанпарварлик ғояларини қадрлаш, аждодлар удуми, урф-одатларини эъзозлашга ўргатади.**

# ТАЪЗИМ ВА ЭҲТИРОМ

## Азиз ва мўътабар инсонларни хотирлаш ва қадрлаш — иймон-эътиқод мезони

Қай биримиз халқ қаҳрамонлари Широқ ва Тўмарисни, Маҳмуд Таробий ва Спитаменни, Жалолиддин Мангуберди ва Нажмиддин Куброни, Бердақ ва Аҳмад Донишни, Пўлатхон ва Дукчи Эшонни, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Абдулла Қодирийни, Абдулла Авлоний ва Фитратни, Чўлпон ва Усмон Носирни билмаймиз ва қадрламаймиз? Дарвоқе, озодлик ва мустақиллик учун жонини фидо қилганлар нафақат ўз эли, балки умумбашарий қадриятдан эъзоз топган, жаҳоний тимсоллардир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган кунлардан бошлаб, иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва уларга тенглаштирилган барча фуқароларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ва ушбу фикрнинг ҳосиласи бўлиб, 1999 йилнинг 2 мартида «9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди. Худди шу йили 9 майда пойтахтда Хотира майдони тантанали суратда очилди. Мотамсаро она ҳайкали бунёд қилинди. Ватандошларимиздан 450 мингга яқинининг номлари ёзилган лавҳалар муҳрланди. 34 жилдли «Хотира» китоби нашр этилди. Ҳар бир вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасида Хотира ҳамда қадрлаш хиёбонлари, туман, шаҳар, қўрғон ва қишлоқ марказлари, ҳатто йирик гузарларда Хотира майдонлари ҳамда бурчаклари ташкил қилинди.

Нега бу санага шу қадар катта эътибор берилди ва ҳамон эъзоз кўрсатилмоқда? Бу Истиқлол нашидаси, инсоний қадриятларнинг тикланиши — ҳуқуқий демократик жамият қурилиши мазмун-мундарижаси бўлгани учун ҳам халқ қалбига тобора чуқурроқ сингиб бормоқда.

Тарихга, хотирага қайтайлик. Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 433 минг 230 нафар фуқаро иштирок этди. 1941 йилда республика аҳолиси 6,5 миллион нафарни ташкил қилган бўлса, амалда қўлига қурол тутишга яроқли бўлган юртдошларимизнинг тўртдан бири ўз уйи, оиласи, Ватани тинчлиги ва осойишталиги учун фронтга отланди. Фашизм балосини Ер юзидан даф этиш учун бўлган ҳаёт-мамот жангларида ватандошларимиз тенгсиз мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатишди. Уруш йиллари Ўзбекистоннинг 338 нафар шавкатли фарзанди Қаҳрамонлик мақомига эришди.

604 минг 52 нафар ҳамюртимиз уруш майдонларидан ногирон бўлиб қайтди, 450 мингдан ортиқ ўзбекистонлик эса қонли жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Урушнинг беомон синовлари ва машаққатлари шу билан тугаган эмас. Халқимизнинг фронт ортидаги заҳматли меҳнати, матонати ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Ўзбекистон халқи ўзи емай-ичмай фронтга ўқ-дори, дон, пахта, кийим-кечакдан тортиб, мева-чевагача етказиб берди. Шу билан бирга, урушнинг дастлабки йиллари Ўзбекистон фронт ҳудудларидан кўчириб келинган 1 миллиондан ортиқ аёллар, кексалар ва етим болаларни ўз бағрига олди. Қаҳатчилик ҳукм сурган оғир даврда жуда кўп оилалар турли миллатга мансуб етим болаларни ўз тарбиясига олди, миллий бағрикенглик ва олиҳимматлилик фазилатини амалда намоён қилди. Уларнинг бу олижаноб хизматлари, меҳр-мурувватлари тилларда достон бўлди. Шу ўринда ўша йиллари ёзилган Асқад Мухторнинг қуйидаги «Навбат» шеъри мисол бўла олади.

**_«Қора совуқ. Тошкент вокзалига ис_**
**_босган поездлар келади._**
**_Шаҳар ўзи буюк мусофир,_**
**_елкасида қопи, челаги..._**
**_Кўчаларда илон изи, навбат,_**
**_нонга, керосинга, ўтинга..._**

Шундай навбатлардан бирида бир тонг Лутфихон аяни учратиб қолдим...

**_— Нимага турибсиз, Лутфия хола!_**
**_— Бўлса олмоқчиман... бир ўғил бола._**
**_Бир нима кутгандай, кўкка кўз солди,_**
**_кипригига тушган қор эди._**
**_Уруш йилларининг навбатлари ичра_**
**_Ҳа, шундай навбат ҳам бор эди»._**

Яна тарихий хотирага қайтамиз. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ўзбекистонлик фуқароларнинг турар-жойи, манзилгоҳи бўлганми? Улар гузар, маҳалла, қўрғон, қишлоқ-овулдан урушга отланган эди-ку! Улар жонини фидо қилиб, Россия ва Белоруссия ўрмонлари, Украина даштлари, Брянск ботқоқликлари, Молдовия ва Болтиқбўйи республикалари, Европанинг Польша, Венгрия, Австрия, Чехословакия, Болгария, Югославия, Руминия ерларида озодлик ва тинчликни ўрнатиш билан ўз юрти Ўзбекистонни эъзозлади. Улар, 450 мингдан ортиқ юртдошимиз Ватан, озодлик ва Истиқлол дея қурбон бўлдилар. Уларни фақат излаш, қайта-қайта фронт кечган жойлар-батальонлар, роталар, полк ва дивизиялар, бригада ва корпуслар ҳамда жанггоҳлардан излаш, топиш лозим эди. Афсуски, биргина совуқ жумла — «Номаълум аскар» атамаси билан бутун авлодлар, аждодлар йўқ қилинди, хотираси ўлдирилди. Бундан-да ортиқ ҳақорат бўладими, ахир инсон учун?! Шу боис ҳам Йўлбошчимиз «биз учун урушларда қурбон бўлган юз минглаб юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам маълум ва ҳеч қачон унутилмагай...» деб Хотира ва қадрлаш кунида дилдан, юракдан гапирдилар.

Ҳар бир инсонни қидириб топиш, унинг жасади — ҳоки-пойи қолган жойини аниқлаш лозим эди. Аслида ҳужжатларда, манбаларда қайд этилган улар! Демак, ҳеч нарса йўқ бўлиб кетмайди, номаълум бўлиши мумкин эмас! «Хотира» китобларида ўзбекистонлик жангчиларнинг қарийб ҳаммасининг азиз ва муқаддас номлари бор, фақат баъзилари қидирилмоқда, аниқланмоқда...

Тарих фани, ҳарбий тарихимиз олдида хотирани тиклаш, уларни қадрлаш каби муқаддас ва мураккаб вазифа турганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Бу — **биринчидан;**

**Иккинчидан**, бу масъулиятли вазифаларни амалга оширишда катта тадбирлар ўтказиш ҳамда ташкилий ишларни бажариш учун Хотира ва қадрлаш халқаро хайрия жамғармасини ташкил қилиш вақти келди. Бу мустақил жамғарма, энг аввало, иккинчи жаҳон уруши қурбонлари фаолиятини тўлиқ аниқлайди, қадрлашнинг янги манбаларини топади. «Номаълум аскар» деган мавҳум ва таҳқирланган атамага абадул-абад чек қўяди;

**Учинчидан,** жамғарма ҳозирги Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари майдонлари ҳамда фашизмга қарши урушда иштирок этган Европа ва Осиё мамлакатлари ерларида жон берган ҳамюртларимизни қидиради, жуғрофик манзилини аниқлайди, руҳи покларини тиклайди;

**(Давоми 2-бетда)**

## Касаба уюшма ҳаётидан хабарлар

**_Юртимизнинг порлоқ истиқболини яратиш кўп жиҳатдан келажагимиз ворислари қўлида. Бу биз катталар зиммасига катта масъулият юклайди. Фарзандларимиз дунёсини гўзал қила олсак, эзгу ва улуғ ният ижобатини ҳар жиҳатдан таъминлаган бўламиз. Уларни гўдаклигидан меҳнат кучоғига ташламаслик, беғубор фаслидан барвақт узоқлаштирмаслик бунда муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда болалар оғир ва зарарли меҳнатдан қонун билан тўла ҳимояланган._**

# БАХТЛИ БОЛАЛИК ҲИМОЯСИ

Марказий Осиёда ёшлар таълими, бандлиги ва болалар меҳнатини қисқартириш соҳасидаги ҳаракатларни мустаҳкамлаш бўйича Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистондаги ҳудудий дастури асосида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар учун ташкил этилган ўқув-семинарда ана шу масала ечими ҳақида сўз борди. Уни Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнатни нормалаш ва муҳофаза қилиш маркази ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши ҳамкорликда уюштирди. «Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси» мавзуида ўтказилган мазкур тадбир Бутунжаҳон Меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишланди.

Бугунги кунда, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш давлатимиз эътиборидан жой олган. Боиси, мамлакатимиздаги улкан тармоқ бўлмиш аграр соҳа вакилларининг асосий қисми ўша ерларда истиқомат қилади. Бу меҳнат турида асосан оғир жисмоний куч сарфлаш талаб этилади. Унга вояга етмаган ёшларни жалб қилиш эса ўсиш жараёнидаги организмнинг тўла ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатнинг кузатилмаслигига эришишда, айниқса, меҳнат муҳофазасини таъминлашда етакчи кучга айланаётган касаба уюшмаларининг иштирокини жонлантириш мақсадга мувофиқдир.

Тармоқ касаба уюшмасининг бу борадаги фаоллигини оширишни бир лаҳза ҳам тўхтатиб бўлмайди. Айни дамда қишлоқ хўжалиги тизимида чуқур ислоҳотлар юз кўрсатмоқда. Фермерлик ҳаракати авж нуқтасига чиқиб, ёлланма ишчи кучи пайдо бўлди. Ташкилот шунга мос кўринишда ўз фаолиятини янада изчиллаштириб бормоғи лозим. Сабаби, бундай жараёнда болалар меҳнатини ўзбошимчалик билан суиистеъмол қилиш ҳолларига юзма-юз келиш мумкин. Оғир юк кўтариш, узлуксиз толиқтирувчи иш билан банд бўлиш, кимёвий ўғитлар ташиш, офтоб тиғида ишлаш, қишлоқ хўжалик техникаларини бошқариш кабилар шулар жумласидандир.

Ўқув-семинар давомида Меҳнатни нормалаш ва муҳофаза қилиш маркази директори, профессор Б. Юнусов, ХМТнинг Ўзбекистондаги мувофиқлаштирувчиси С. Раҳимова «Қишлоқ хўжалиги (фермер хўжаликлари)да меҳнат муҳофазаси ва болалар меҳнатини қисқартириш», марказ лаборатория мудири Л. Парсегова «Вояга етмаганлар меҳнатини муҳофазалаш ва санитария меъёрлари», марказ илмий ходими В. Некрутенко «Меҳнат муҳофазаси бўйича тарқатилган қўлланма ва адабиётлардан фойдаланилган ҳолда ўқув машғулотлари ўтказиш» мавзуларида тингловчиларга батафсил тушунча беришди.

Тадбир жонли ва қизғин фикрлашув руҳида ўтди.

**Ш.ТЎЛҚИНОВ**

## ЭЪЗОЗ КЎРСАТИЛДИ

**_Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Термиз шаҳридаги «Меридиан» ресторанида 70 нафар уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари иштирокида байрам тадбири уюштирди._**

Тўкин дастурхон устида табаррук зотлар шаънига илиқ сўзлар айтилди, Кекса отахону онахонлар ўз хотираларини эсга олишди. Шермат Ҳикматов, Иван Матроусов, Яхшимурод Бозоров сингари иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, Эргаш Холиқов, Константин Захаров, Эркин Ангиров, Холмирза Холиёров, Ҳумоюддин Шарафуддинов, Нормўмин Туропов, Рўзи Эргашев, Хадича Бобохонова каби меҳнат фахрийлари кечаги оғир ҳаёт ҳақида сўзлаб, бугунги куннинг нурафшонлигига шукрона айтишди. Уларнинг ҳар бирига вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан 25 минг сўмлик совға-саломлар улашилди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## ДИЙДОРЛАШУВ

**_«Ўзтемирйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти Пассажир поездларини рейсга техник ва технологик тайёрлаш филиали (ВЧД-2)да бу анъана яхши йўлга қўйилган. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бу ерда ўтказилган дийдорлашув дастурхонига корхонада узоқ йиллар ишлаган уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди. Марҳум ҳамкасблар хотираси ёдга олиниб, кекса отахону онахонларга иззат-икром кўрсатилди._**

— Фахрийларимизни ҳамиша йўқлаб туришга ҳаракат қиламиз, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Фазлиддин Илҳомов. — Уларнинг сони 1200 нафарни ташкил этади. Бугунги тадбирда 900 нафар кексаларимиз иштирок этишди. Бу ерга келиш имконига эга бўлмаган нуронийлар хонадонига ўзимиз бориб, совға-салом топширдик. Бундан ташқари, ҳар йили уларга моддий ёрдам пули, 80 нафарига санаторийларда соғлигини тиклаши учун йўлланмалар берилади. Касал бўлиб қолишса, яна қўшимча моддий кўмак уюштирилади. Шунингдек, улар «Ўзбекистон темирйўллари» ДАТКга қарашли шифохонада бепул даволаниш имконига эга.

**Ўз мухбиримиз**

# ЭЪТИБОР

Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан кекса авлод вакилларига, хусусан, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш баробарида уларнинг кўнглини кўтарувчи тадбирлар ташкил этилмоқда. Куни кеча Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма қўмиталари Раислар кенгаши томонидан ўтказилган тадбир ҳам бундан мустасно эмас.

Тадбирга тармоқ корхона ва ташкилотларида меҳнат қилиш билан бирга ёшларга ҳар жиҳатдан намуна бўлиб, илғор тажрибаларини ўргатиб келаётган отахон ва онахонлар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, касаба уюшма фаоллари таклиф этилдилар. Улар пойтахтимизнинг Бош майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйиб, қуролдош дўстлари хотирасини ёд айладилар.

— Мақсадимиз Хотира ва қадрлаш куни арафасида тармоққа қарашли корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаёттан уруш ва меҳнат фахрийлари, кексалик гаштини сураётган пенсионер отахон ва онахонлар, касаба уюшма фаолларига ҳурмат кўрсатишдир, — дейди Тошкент вилояти Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма қўмиталари Раислар кенгаши раиси Аъло Алаутдинова.

Отахон ва онахонлар Шаҳидлар хотираси майдонида ҳам бўлдилар.

— Пойтахтимизда Истиқлол йилларида барпо этилган бу каби масканларни айланар эканмиз, беихтиёр ўша даврлар билан бугунги бахтли кунларимизни муқояса қиламан, — деди иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Л.Межитов. — Касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган тадбир ўтганлар руҳини шод этиб, ёшларга ибрат бўлади.

Тадбир сўнггида меҳмонлар бир пиёла чойга таклиф этилдилар.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**ЎзКУФК матбуот котиби**

# «ДИЛ СЎЗИМНИ СИЗГА ЭЛТАРЛАР...»

*Уллибиби Отаева она халқининг ҳассос шоираларидан эди. Илк тўплами чоп этилгандаёқ, дилбар шеърлари кенг жамоатчиликнинг фикрини тортди. Унинг шеър ва достонларида Орол дарди, маънавий бойликларини унутган авлод изтироблари, қишлоқ кишиларининг содда, самимий қиёфаси алоҳида балқиб турарди.*

*Ундан гўзал шеърлар қаторида бир-биридан иқтидорли, элим-юртим деб ёниб яшайдиган беш фарзанд қолган эди. Уларнинг ҳар бири бугун улғайиб, камолга етиб, юртининг фидойилари бўлишди.*

## НЕВАРАМГА МАКТУБ

**_Телефонда қолмас овозим,_**
**_Хириллар ё ўчар ленталар._**
**_Омон бўлсин қалам-қоғозим,_**
**_Дил сўзимни сизга элтарлар._**
**_Аён кўриб ҳуснихатимда_**
**_Жароҳатим, аламларимни,_**
**_Қай неварам эҳтиёт билан_**
**_Қўяр унга малҳамларини._**
**_Арзимадим набираликка,_**
**_Бобом хатин ўқий олмадим._**
**_Сўнгра уни содда, гўл дедим,_**
**_Ўзга сифат тўқий олмадим._**
**_Ҳикмат тўла ўгитларини_**
**_Эзмаликка йўйиб қутулдим._**
**_Феълимдаги ёвузликларни_**
**_Меросликка йўйиб қутулдим._**
**_Кетмас асло гуноҳлар беиз,_**
**_Экканини ўради ҳар ким._**
**_Мен дунёдан ўтсам, мен ҳақда_**
**_Хўш, авлодлар нималар деркин?_**

**Уллибиби ОТАЕВА**

# ХОТИРАСИ АЗИЗ, ҚАДРИ УЛУҒ



***Келажак авлод баркамоллиги йўлида қилинган ҳар бир иш эзгулик рамзи сифатида қалбимизда яшайди. Муқаддас хотира бор экан, ундан нур мисол юрагимизга қуйилаётган шуълалар бизни руҳий уйғоқликка, тафаккур юксакликларига чорлаб туради. Негаки, хотира ўзининг тинимсиз йўқловлари билан ҳаёт сўқмоқларида мадад бўлган, тўғри йўлни кўрсатган, илм-ҳунар ўргатган фидойиларни ёдга солади.***

***Қадрлаш эса қон-қонимизга сингиб кетган, ҳаттс халқимиз тимсолига айланган фазилат. Ана шу фазилатимиз билан бугун эъзозлимиз, дунё халқлари орасида ҳурматлимиз. Хотира ва қадрлаш деган буюк туйғу қалбимизда зоҳир экан, маънавиятимиз чечаклари буюк аждодларимиз мероси ила сайқалланиб авлодлар тимсолида ўзбек номи билан дунёга юз очиб бораверади.***

## «ДЎСТЛАР, ЯХШИЛАРНИ АВАЙЛАБ САҚЛАНГ...»

### МОТАМСАРО ОНА — МИЛЛАТ ТИМСОЛИ

Пойтахтимиз юраги — Мустақиллик майдонидаги Хотира мажмуаси бугун ҳар қачонгидан гавжум. Зиёратчиларнинг кети узилмайди. Айниқса, улар сафини тўлдириб келаётган ёшларни кўриб кўнгил ёришади.

Зиёратгоҳ узра таралиб турган вазмин мусиқа садолари юракда маҳзун ҳислар уйғотади. Майин шабада гуриллаб ёнаётган мангу оловни гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга чайқатиб-чайқатиб ўйнайди. Унга боқишинг билан негадир ёнаётган оловдек юрагинг титраб кетади. Кўз олдингда минглаб, миллионлаб аскар йигитлар саф тортиб ўтади, ўтаверади. Улар ортидан йиғлаб қолган оналар, келинлар, норасида гўдаклар... Улар шунчалик кўпки, санаёлмай хаёлларинг тўзғиб кетади...

Ўйчан, соғинчли нигоҳини ерга тикиб, қўлларини тиззасига қўйганча «Сен ҳамиша қалбимдасан, жигарим» дея шаҳид кетган фидойи фарзандларини бағрига босиб турган Мотамсаро она сиймоси олдида нафақат вақт, балки одамлар ҳам бир лаҳза тўхтаб қолади. Вақт хотира олдида одамларни ана шундай бир лаҳза тўхтатиб, уларга тарих сабоқларини ёдлатади. Тарихда энг фожеали қирғин-барот сифатида қайд этилган иккинчи жаҳон уруши эзгуликка отилган ўқ эди. Шу боис у энг аввал, оналарнинг, сўнгра ватан ва халқнинг кўксини яралади. Мотамсаро она ана шундай урушдан, жаҳолатдан юраги пора-пора бўлиб, фарзанди хотираси билан яшаган оналар тимсоли. Шунинг учун ҳам катта ёшлилар унга боқиб, ўз оналарини, яқинлари, хешу ақраболари, ҳамқишлоқларини кўргандек ўйга толишади:

— Онажоним-ку бу мани, — дейди бухоролик Умар бобо кўзлари ёшланиб. — Отамни бир умр дарвозамиз олдида ана шундай кутиб турардилар...

— Ҳайкалтарош назаримда бувимни кўрган бўлса керак, — дейди Самарқанднинг Нарпайидан келган Ойсифат буви. — Ўтган йилгача Мўмин тоғамни ана шундай кутиб ўтирардилар.

— Бу ҳайкал онамга қўйилгандек севинаман, — дейди Ёдгора Жалилова. — Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни олдидан атайлаб келиб зиёрат қилиб кетаман. Онам 50 йил отамнинг йўлига кўз тикиб, бу дунёдан армон билан кўз юмдилар.

Миллат тимсолига айланган онагина ана шундай ҳаммага дахлдор бўлади.

Минглаб оналаримизнинг тунларни тонгга улаб, урушни лаънатлаб, жигарбандлари йўлига кўз тикиб ўтгани бор ҳақиқат. Оналар қанчалик тинчлик исташмасин, уруш шафқатни билмасди, онанинг оқ сути ҳақини, аллалари ҳурматини хаёлига ҳам келтирмасди.

Уруш жаҳолат ва офат эди. Қоп-қора қуён мисол оппоқ орзуларни босиб, янчиб кетганди.

### ЗАЙНАБ БУВИ

Зайнаб буви ҳам шоир айтгандек «севгидан етиму, умрдан ярим», «қуриган кўксида ёлғиз беланчак»ни босиб «абадий фироқни абадий висол»га айлантирган мардона аёл бўлган. Ёлғиз ўғлидан бир этак невара-чевара кўрган онахоннинг кўзлари шунчалик маъюс эдики, унга қарашга юрагинг дош бермас эди. Онахон кейинги йилларда жуда қариб қолдилар. Шундай бўлса ҳам дарвоза олдидаги қари тутга суяниб, доим йўл қарар эдилар. Бу тутни Зайнаб бувимиз йўлига кўз тиккан ёрлари экиб кетган экан. Ўтган-кетганлар онахоннинг дуосини олар, кўзи яхши кўрмаса ҳам овозидан, оёқ товушидан одамларни таниб оларди. Ҳамма онахонни яхши кўрарди, у ҳам барчага бир хил меҳр кўрсатарди.

Ўтган йилги тут пишиғида қишлоққа борсам, ғарқ пишиб, остига тўкилиб ётган марварид тутларни териб еяётган болакайларга кўзим тушди, онахон кўринмасди. Кейин билсам бандаликни бажо келтирибди... Бир кунлик ёрини бир умр кутиб, сарполари сандиқда сарғайган Зайнаб бувининг кўзлари бу дунёдан очиқ кетибди. Онахон ҳақларига дуо ўқиб, бағишларканмиз, шундай ният қилдик. «Бу дунёдан ҳеч кимнинг кўзи очиқ кетмасин, урушнинг номи ўчсин».

**Эътироф**

### ЭЪЗОЗ

Нуронийлар халқимизнинг иймон қалъаларидир. Уларнинг дуоларидан тонгларимиз бехатар, ҳаётимиз фаровон, доно маслаҳатлари эзгу ишларимизга ҳамроҳ.

Мамлакатимизда нуроний отахон ва онахонларни эъзозлаш, саломатлигини яхшилаш борасида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги эзгу ишларнинг узвий давомидир. Қолаверса, юртимизнинг ҳар бир маҳалла, ташкилот ва муассасаларида ўтганлар руҳи шод этилиб, фахрийларга алоҳида эҳтиром, эъзоз кўрсатилмоқда. Бундай тадбирларда касаба уюшмаси фаоллари ҳам бош-қош бўлаётгани қувончлидир. Бу ёруғ оламдаги барча яхши нарсалар инсон зотига инъом этилган экан, биз ҳам бир-биримизни хотирлаб, қадрлаб яшамоғимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, севимли шоиримиз Мақсуд Шайхзода айтганларидек,

***Дўстлар, яхшиларни***
***авайлаб сақланг,***
***«Салом» деган сўзнинг***
***салмоғин оқланг!***
***Ўлганда юз соат йиғлаб***
***тургандан,***
***Уни тиригида бир соат***
***йўқланг!***

**«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига**

## «ЎЗИМИЗНИНГ ГЕРСТ ҚУРБОНОВИЧ...»



***Инсон умри нималар билан ўлчанади: фарзандлар камоли, шогирдлар эҳтироми биланми ва ёким бойлик, мансаб, мартаба биланми? Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси девони меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг бош мутахассиси Герст Қурбонович Гафаров ҳаёти ва фаолиятига назар ташлаган ҳар бир киши инсон умри узунлиги билан эмас, балки элу халқига садоқати, одамларга келтирган беҳисоб нафи билан ўлчанишига ишонч ҳосил қилади.***

Фаолиятини оддий чилангарликдан бошлаб, ҳаёт сўқмоқларидан поғонама-поғона кўтарилиб, оддийлик ва самимият, меҳр-мурувват каби фазилатларни умри ва ишининг мазмуни деб билган Герст Қурбонович 30 йилдан ортиқ энг оммавий ташкилот — касаба уюшмалари тизимида ишлади. У меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларининг устувор ҳимоячиси сифатида одамлар мушкулини осон қилиш, адолатни тиклаш учун вақтини ҳам, саломатлигини ҳам аямаган фидойилардан. Унинг олийжаноб фазилатларидан бири — юксак самимияти эди. Тизимдаги Марказий кенгаш раисларидан тортиб оддий мутахассисгача унга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишар, касбига садоқати барчага ўрнак саналарди.

У эса ҳаммани: хоҳ у раҳбар, хоҳ эндигина иш бошлаган ходим бўлсин, қалбига йўл топарди. Айниқса, меҳнат кишисининг озгина ҳақ-ҳуқуқи бузилса, бунга асло муроса қила олмасди. Оддий қишлоқ одамлари унга ишониб, алоҳида ҳурмат ва ихлос билан қабулига келар, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш учун маслаҳат, йўл-йўриқ сўрашарди. Герст Қурбонович умид билан келган ҳар бир кишининг дардига малҳам бўлиб, мушкулини осон қилишдан сира эринмас эди. Саъй-ҳаракатлари билан адолат тантана қилиб, қонуний ҳуқуқи тикланиб, ўз севимли ишига қайтган куни унинг учун ҳам байрам бўларди. Бундай қувончли лаҳзалар бора-бора унинг умр мазмунига айланиб кетганди. Етук ва қилни қирқ ёрадиган мутахассис сифатида муаммоларни ўз ўрнида ҳал этар, касаба уюшма аъзолари манфаатларига оид долзарб масалаларни, корхона ва ташкилот, қолаверса, вазирлик ва мутасадди идоралар олдига дадил қўя оларди. Бунда ундаги қатъият, ўзига хос қобилият, энг муҳими, қонунларни яхши билиши қўл келарди.

У бир умр халқ ишига садоқат кўрсатди, ўз касбига содиқ қолди. Одамларни нуфузли ташкилотга ҳурматини оширди. Шу боис бугун орамизда бўлмаса ҳам унинг номи, ибратли фаолияти, иш услуби ҳамкасблари, шогирдлари тимсолида давом этмоқда. Гўё улар тасаввурида «бирдан эшик очилиб, «как ты думаешь?..», «мне кажется..», «вот интересний случай» деб Герст Қурбонович кириб келаётгандек. Яхшилар ёди ана шундай қалбда сақланиб қолади.

— Герст Қурбонович ҳақида етук инсоний фазилатлар соҳиби, ўз ишининг фидойиси, десак яна нимадир камлик қилади, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлим мудири Валижон Кочкаров. — Зотан у ўз умрини меҳнат муҳофазасига бағишлаган, бир сўз билан айтганда, касаба уюшма тизимининг тирик қомуси эди.

Қалбларда ўзидан ёрқин из қолдирган етук фазилатли инсонларни хотирлаганда одамларнинг қулфи дили очилади.

— Эсимда, 1976 йил, камина у даврда республика озиқ-овқат саноати ишчилари касаба уюшмаси Марказий қўмитасида бош мутахассис бўлиб ишлардим, — дея хотирлайди Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг етакчи мутахассиси Қобил Дадабоев. — Герст Қурбонович Тошкент вилояти ва шаҳри бўйича меҳнат техник мутахассиси сифатида ишга келди. Шиддат ва кучли интилиш билан, кутилмаганда ишимизнинг нозик тарафларини мукаммал билиб олди. Шу йилдан ўз тақдири ва ҳаётини касаба уюшмалари билан боғлаган Ғайратжон (биз уни шундай атардик) умрини охиригача халқига садоқат билан меҳнат қилди. У меҳнат жамоаларида бешикаст иш шароити яратиш орқали ишчи-ходимлар саломатлиги ва хавфсизлигини сақлашни ўз ишига дастуриламал қилиб олганди. Ён-атрофдагилардан ҳам шуни талаб қиларди. Хонасига кириб қолсангиз, телефон қўнғироқлари ҳеч тинмас, республикамизнинг барча туманларидан у ёки бу савол билан мурожаат қилишарди. Ғайратжон эса барча қўнғироқларга жавоб бериб, керакли йўл-йўриқлар кўрсатарди.

Сафдошининг эътироф этишича, у ҳамиша меҳнаткашлар иложи борича ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқларини билсин, айниқса, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда шикастланган ёки бахтсиз ҳодиса натижасида боқувчисини йўқотган шахслар қонунда назарда тутилган кафолатларни олиши, етказилган зарарни ундириб олишга тўла эришиши керак, деб ҳисобларди. Ана шу савобли иш учун ўзини масъул ҳис қиларди.

Герст Қурбонович билан кўп йиллар ҳамкорликда ишлаган Меҳнатни нормалаштириш ва муҳофаза қилиш Маркази лаборатория мудири Л. Г. Парсегова шундай хотирлайди:

— Герст Қурбонович билан сўнгги ўн йилда мулоқотда бўлиб, унинг билими, инсоний фазилатлари мени ҳайрон қолдирган. Герстни яхши одам бўлган, деб айтиш, у ҳақда ҳеч нарса демаган билан баробар. У қалби тоза, хушчақчақ, ҳатто оғир хасталикни бошидан ўтказгандан кейин ҳам қувноқ ва эътиборли эди. Ҳеч кимга ўз муаммолари ва аҳволини кўрсатмас, ҳолбуки, унда ҳам булар етарлича бўлган.

Менда меҳнат муҳофазасига оид саволлар пайдо бўлса, ундан энг тўғри ва аниқ жавобни олишимни билардим. Марказимиз томонидан қайта ишланган материалларни кўздан кечираётиб, бу ишни билимдон ва етук мутахассис — Герст қилганини дарҳол билиб олардим.

Бугун Герстни хотирлаётиб англаб етдимки, республикамиз унинг қиёфасида меҳнат муҳофазаси бўйича энг катта мутахассисни йўқотди.

Ҳа, у қаерда, қай лавозимда ишламасин, бир мақсад учун яшаб, меҳнат қилди. Инсонга наф келтириш — унинг қалб даъвати, фаолият дастурига сингиб кетганди. У ҳаётда ана шундай софдил ва самимий инсон бўлиб яшади. Герст Қурбонович ўзидан яхши ному муносиб шогирдлар қолдирди. Орзулари бисёр эди. Бешафқат ўлим уни 66 ёшда орамиздан олиб кетди. Аммо унинг доно маслаҳатлари, ишчан фаолияти шогирдлари, ҳамкасблари мисолида давом этаверади. Зеро, шоир айтгандек,

***Умрлар бўладики,***
***Тиригида ўликдир.***
***Ўлимлар бўладики,***
***Мангуликча тирикдир.***

**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

**Фахрийларимиз**

## УРУШ КЎРГАН АЁЛ

### ёхуд келини мақтаган қайнона

***Газетанинг навбатдаги сонига материал тайёрлаётган эдим, бехос эшик очилиб, хатлар назоратчиси Комилахон кириб келди.***

***— Сизга ажойиб бир мактуб олиб келдим, — дея чиройли ҳуснихатда битилган бир даста қоғозни қўлимга тутқазди.***

***Мактубга кўз югуртирдим. Чирчиқ шаҳридан Зуҳрахоним Раимова йўллаган хат шундай сатрлар билан бошланади:***

«Ассалому алайкум, «Ишонч» газетаси ходимлари!

Сизга иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси, оиламиз чироғи Муаззам Раимова ҳақида ёзаяпман. Бундай оналар бебаҳо-ку. Улар ҳақида, назаримда ҳар куни ёзишимиз, ибратли ҳаётидан ўрнак олишимиз керак...».

Қайноналаридан шикоят қилиб ёзилган қанча келинларнинг дил розларни ўқиганман. Аммо Зуҳрахоннинг қайнонасига эҳтироми, ҳурмати мени ҳайратга солди.

Мактубга нуроний аямизнинг атлас кўйлакда тушган суратларини ҳам илова қилишибди. 80 ёшни аллақачон ортда қолдирган онахоннинг лабларида табассум, юзларидан нур ёғилади. Ҳарбийларга хос қоматлари тик, кўзларида ўт чақнайди.

Тошкентда таваллуд топган Муаззамхоним иккинчи жаҳон уруши бошланганида эндигина 16 ёшга кирган экан. Кундузи далада ишлаб, кечда Тошкентдаги педагоглар тайёрлаш курсида ўқийди. 1943 йилда кўнгиллилар қаторида фронтга олишларини сўрайди. Бир йиллик тайёргарликдан сўнг, Украинанинг Львов шаҳрига йўл олади. Жасур ва эпчил қиз урушнинг даҳшатларини тўла ҳис қилар ва ўзига топширилган вазифаларни сидқидилдан бажарарди. Польша, Чехославакияни, Дунай ва Эльба дарёлари соҳилларини фашистлардан озод қилганлар қаторида турди. Ғалабани Берлинда байрам қилди. Орадан бир йил ўтиб ҳарбий хизматдан озод қилишди.

Ҳарбий формаси ўзига ярашиб турган гўзал ўзбек офицерига солдатлар ҳурмат кўрсатишарди. Кўксини бир нечта орден-медаллар безаб турган Муаззамхондан, айниқса, маҳалладошлари фахрланишарди. Уруш қолдирган жароҳатлар халқни ҳам руҳан, ҳам жисмонан қийнаган тикланиш йилларида ҳам у матонат кўрсатди, меҳнати, одоби билан барчага ўрнак бўлди.

Иқтидорли, зукко муаллима ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берди. Шогирдлари қалбида Ватанга муҳаббат, элга ҳурмат, туғилган заминга чексиз ифтихор туйғуларини уйғотишга муносиб ҳисса қўшди. Депутат сифатида маҳалла ободонлиги, элдошлари фаровонлигига ҳисса қўшди.

Турмуш ўртоғи Маҳмуд ака билан беш ўғил, бир қизни оқ ювиб-оқ тараб, элга қўшди.

Фарзандлари Ботиржон, Баҳодиржон, Василахон, Зокир, Алишер, Улуғбек ота-оналари изидан бориб эл ишига камарбаста инсонлар бўлиб танилди.

Муаззам ая бугун бир-биридан оқила, зебо, дилбар келинлари, 17 нафар невара, 14 нафар чевaралари ардоғида қарилик гаштини суриб, мустақил юртимизнинг ардоқли нуронийлари қаторида бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Онахонни байрам муносабати билан турли учрашув ва тадбирларга таклиф қилишади. Давралар тўрига ўтказишиб, иззат-икром кўрсатишади. Ёшларга уруш хотираларидан сўзлаб бераркан, тинчликнинг нақадар катта бахт эканлигини таъкидлайди.

Тўғри-да, уруш кўрган оналар, айрилиқ жафосини тотиб минглаб шаҳид кетган дўстларининг хотираси билан яшаётганлар тинчлик қадрини теран идрок этишади.

* * *

***Зуҳрахон мактуб сўнггида онамизни ҳазиллашиб «генерал бува» деймиз деб ёзибдилар. Халқимизнинг Муаззам аядек довюрак фидойи, ватанпарвар, энг муҳими, доно онахонлари бор экан, улар теграсида улғаяётган ёшлар шак-шубҳасиз, Ўзбекистон номини дунё бўйлаб янада кенг ёяверадилар.***

**А.НАБИЕВА**



## ТАЪЗИМ ВА ЭҲТИРОМ

**Азиз ва мўътабар инсонларни хотирлаш ва қадрлаш — иймон-эътиқод мезони**

(Боши 1-бетда)

**Тўртинчидан,** бор манбалар, ҳужжатларни Хотира ва қадрлаш жамғармаси ихтиёрига топшириш лозим. Чунки жамғарма уларни мувофиқлаштириб, «номаълумлар» сонини кун сайин қисқартириб боради ва номини абадийлаштиради.

Фронт ва фронт орти матбуоти ҳамда нашрлар — китоблар, рисолалар, плакатлар, радиотасма ҳужжатлари, фронт қатнашчиларининг ҳикоя ва лавҳалари орқали хотира тикланиб, яхлит — ҳарбий ҳужжатлар асровига айлантириш керак. Назармат, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон, Владимир Трюков, Мирмуҳсин, Рустам Абдураҳмонов, Мумтоз Муҳамедов, Мирзакалон Исмоилий, Адҳам Раҳмат, Султон Акбарий, Назир Сафаров, Тўлаган Соатий, Тўғон Эрназаров, Адҳам Ҳамдам, Шароф Рашидов, Зебо Шамсуддинова, Зулфия ва Ҳамид Олимжон, Фахри Камол, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Зафар Диёр, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Насрулло Даврон, Туроб Жўраев ва бошқа ижодкорлар хонадонларида сарғайган газеталар, журналлар, урушға доир қимматли ҳужжатлар — ташкил этилажак жамғармага топширилса, айни муддао бўлар эди.

Президентимиз Ислом Каримов қайд қилганларидек, биз ғалабага шонли ҳисса қўшиб, инсониятни фашизм балосидан халос этиш йўлида жонини қурбон қилган ота-боболаримизнинг муқаддас хотиралари олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан «Хотира» китобининг қўшимча жилди нашрдан чиқди. Ўз вақтида аниқлаш имкони бўлмаган яна 15 минг 520 нафар ватандошларимиз ҳақида зарур маълумотлар йиғилди. Бу эса инсон хотирасига ҳурмат ва эътибор ифодасидир.

Истиқлол туфайли Хотира ва қадрлаш тушунчалари янги мазмун-моҳият касб этди. Орадан 60-65 йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да ҳали-ҳамон даҳшатлари ҳар биримизни мушоҳада қилишга — Тинчлик, Озодлик ва ҳалол меҳнат эвазига келган бир бурда Нон қадрини англашга ундамоқда. Юртбошимиз ўз нутқларидан бирида, «Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади», деган эдилар. Демак, «тарих — ҳақиқат чироғидир», у ҳамиша қалбларимизни ёритади, авлодларга тўғри йўл кўрсатади.

**Карим НОРМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси профессори**

## БАЙНАЛМИЛАЛЧИ

***Умрбек бу кунни ҳар йили ўзгача кайфиятда кутиб олади. Бу бежиз эмас. Чунки у Афғонистонда кечган урушда иштирок этган. Мактабларда байрам муносабати билан ўтказиладиган учрашувларда 9 нафар байналмилалчи жангчи қаторида ўзи ҳам иштирок этади, ёшларни ватанни, тинчликни қадрлашга ундайди.***

— Ҳеч қандай уруш эзгу мақсад ифодаси бўлолмайди, — дейди у. — Бизнинг қанча тенгқурларимиз мақсадсиз уруш қурбонлари бўлишди. Қанчалаб оналар ўғлонларидан айрилди. Неча алп йигитлар ногирон бўлиб қайтганларига кўпчилик гувоҳ. Биз байналмилалчи жангчилар урушларга қаршимиз, ҳар доим тинчлик ҳукмрон бўлсин, деб тилак билдирамиз.

Умрбек Абдуллаев Хонқа туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вакили. Вакиллик байрамга кўплаб тадбирлар режалаштирган. Мана, улар бекаму кўст амалга оширилмоқда. Жаҳон ва Европа чемпиони, спорт устаси Олимбой Султонов хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича хотира турнири бу йил янада қизиқарли кечди. Қариялар ўртасидаги VI спартакиада ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Умрингдан барака топ, — дейишди нуронийлар. — Ёшлигимизга қайтгандек бўлдик.

Вакиллик томонидан касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан туман мактабларида таҳсил олаётган 46 нафар етим, 7 нафар чин етим болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Ўқитувчилар — миллат келажаги учун масъул шахслар. Шундай экан, улар меҳнатини муносиб рағбатлантиришнинг аҳамияти катта. Вакиллик томонидан илғор ўқитувчиларни мукофотлаш, кам таъминланган соҳа ходимларини моддий қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилмоқда. «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси» кўрик-танловларининг туман босқичи ўтказилишига ҳомийлик қилиниб, ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. «Энг намунали мактаб», «Энг намунали боғча» танловларида биринчи ўрин соҳиблари телевизор, 2-3-ўрин совриндорлари маиший техника буюмлари билан тақдирланди. Кўплаб таълим-тарбия муассасаларига спорт, маданий-маиший жиҳозлар совға қилинди.

Меҳнат шароитларини яхшилаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили 640 ўринли янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 6-мактаб таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Айни кунларда 4-мактабда реконструкция ишлари олиб борилмоқда.

— 2009 йилгача тумандаги барча мактаблар таъмирланиб, компьютерлар билан таъминланиши, физика, химия, биология хоналари тўлиқ жиҳозланиши кўзда тутилган, — дейди У.Абдуллаев.

Ўтган йили 56 нафар уюшма аъзоси санаторий ва профилакторийларда соғломлаштирилган эди. Вакиллик бу йил 100 нафар педагог-ходимларни соғломлаштириш ниятида. Айни пайтда болажонлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ёзги таътилини намунали ташкил қилиш юзасидан ҳам қатор чоралар кўрилмоқда. Касаба уюшма аъзолари фаолиятини оширишга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Ҳар чоракда улар учун семинарлар ташкил қилинади.

— Режаларимиз кўп, уларни амалга ошириш учун шароитлар етарли, — дейди Умрбек.

Бу эзгу ишларни амалга оширишда Умрбекнинг байналмилалчи эканлигининг аҳамияти катта. У ҳар доим атрофдагиларни меҳр-мурувватли бўлишга, тинчликнинг қадрига етишга, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга ундайди.

**М.ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

